

Qishloq hayoti

2010 йил Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 5-YANVAR, SESHANBA, 2 (7619) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

Qishloq hayoti



Мустақиллик йилларида Тўрақўрғон туманида томорқачиликда ҳам ўзига хос мактаб яратилди. Қиш фаслини ўзларига иш фасли деб билган тўрақўрғонликлар хузурида бўлганимизда далалар четилаги тут дарактлари ярим белигача оқланиб, пахолдан белбоғ боғланганига кўзимиз тушди.



Яхши ҳамки, бир бу йилга эмас, келаси йилга ҳам ортадиган дағал хашак, беда пичани, арпа тайёрлаб қўйганмиз. Шу кунларда 32 боқи вақтли қўзилаган қўйларга кунига икки маҳалдан, бошқаларига бир маҳалдан ем бераймиз. Қўйлари қишдан семиз, соғлом олиб чиқмасак, қўкдам қўзилашда қўйналади.



Туман ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси мутахассислари ва қўни-қўшниларнинг саяёҳ-ҳаракати билан хавф бартараф этилди. Аммо унинг асорати хонадондагиларга анчагина моддий зарар келтирди. Воқеа тафсилоти ўрганилганда шу уйда яшовчилардан бири ишга кетишдан аввал дазмонли ўчиришни унутгани, натижада ёнғин келиб чиққани маълум бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси

«РЎЗИМБОЙ БОБО»НИНГ ГИШТ ЗАВОДИ ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА



Элликқалъа туманидаги «Рўзимбой бобо» фермер хўжалигида доққончиликдан мўл ҳосил этиштириш билан бирга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам айта қўйилган.

Хўжалик тасарруфидаги гишт заводида кунига 40 минг дона сифатли гишт ишлаб чиқаришмоқда. Бу ерда ишчилар учун барча шароит яратилган. Завод жамоаси худуддаги икки мактаб қурилишига ҳам яқиндан кўмаклашди.

СУРАТДА: ишчилар Махсуд Болтаев ва Санжарбек Болтаев иш пайтида. Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2010 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари ўзларининг самимий табрикларини йўллашмоқда. Уларда Юртбошимизга ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик ва оқшайтлик, соғлиқ ва саломатлик, олиб борилаётган ишларда ютуқ ҳамда омадлар изҳор этишдек эзгу ниятлар билдирилган.

Жумладан, қуйидагилардан Янги йил қутловлари олинди: Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз БУТЕФЛИКА; Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек БАКИЕВ; Арманистон Республикаси Президенти Серж СЕРГСЯН; Грузия Президенти Михаил САКАШВИЛИ; Тожикистон Республикаси Президенти Имомали РАҲМОН; Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа қўмитаси Раиси Ким Чен ИР; Бельгия Қироллиги Бош вазири Ив ЛЕТЕРМ ва бошқалар ўз табрикларини йўллаганлар. Самимий табриклар келиши давом этмоқда.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11- ва 48-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов йўналиши кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов йўналиши кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов йўналиши кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов йўналиши кўриб чиқилди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхати 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчиларнинг фамилияси киритилди, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

Овоз беришда сайловчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасида — 90,9 фоизи, Андижон вилоятида — 88,9 фоизи, Бўхоро вилоятида — 87,1 фоизи, Жиззах вилоятида — 89,8 фоизи, Наманган вилоятида — 87,4 фоизи, Самарқанд вилоятида — 89,3 фоизи, Сирдарё вилоятида — 91,4 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 89,1 фоизи, Тошкент вилоятида — 88,1 фоизи, Фарғона вилоятида — 85,8 фоизи, Хоразм вилоятида — 88,3 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 88,1 фоизи, Тошкент шаҳрида — 81,9 фоизи иштирок этди. Овоз беришда барча 135 та сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди ва сайлов қонунчилигига мувофиқ уларда сайлов ўтган.

деб ҳисобланади. Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 33 нафари — Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 25 нафари — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан, 22 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 16 нафари — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан. Сайланган 96 нафар депутатнинг 19 нафари еки 19,8 фоизи хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 30 декабрь куни маъмур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади. (ЎЗА)

Куннинг муҳим воқеалари

▶ Навоий шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига бағишланган йилги ўтказилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, тиббиёт бирлашмалари бош врачлари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари иштирок этди.

▶ Бўхоро вилояти Пешку туманидаги Қалаймиришкор қишлоқ фуқаролар йиғинида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

▶ Тўрткўл тумани марказида Қурбонбой Жиров номида санъат коллежи биноси капитал реконструкция қилинди. Унлаб аудиториялар, 40 та фан хоналари таямланган ва жиҳозланган ҳолатда талабалар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, тумандаги Ш.Рашидов номи фермер хўжалиқлари уюшмасида 240 ўринли 22-сон умумтаълим мактаби биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

▶ Самарқандда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан "Ширинликлар ва тортлар" танлови ўтказилди. Унда 30 га яқин корхона ва ташкилотлар вакиллари ўз маҳоратларини намойиш этишди.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони аҳолини ижтимоий муҳофазалашни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолининг манфаатларини таъминлаш Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил қилади. Ўзбек модели сифатида тан олинган мустақил тараққиёт йўлининг негизида машур беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш экани, бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир

Фармон ва ижро

ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича кенг кўламли ва қамровли ишлар амалга оширилди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошлан-

ган мураккаб шароитда ҳам изчил давом этди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимизда меҳнати рағбатлантириш, иш ҳақини қўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш энг муҳим устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Утган 2009 йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошди. (Давоми 2-саҳифада)

ДАРДОҚ ОДАМЛАРИ ВА ОДИМЛАРИ

Андижон вилояти марказидан 80 чақирим узоқда жойлашган Дардоқ қишлоғида ҳам қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда жуда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурахмон Тожи-матовнинг айтишича, бу "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури-нинг ижроси билан чамбарчас боғлиқ.

— Кун кеча қишлоғимиз оксоқоллари бир даврага жам бўлиб қолдик, — дейди меҳнат фахрийси Йўлдошбой ота Мамарамов. — Суҳбатимиз мавзуси Президентимиз ташаббуслари билан қишлоқларда бошланган замонавий уй-жойлар қурилиши ҳақида бўлди. Бизнинг қишлоғимизда ҳам барча қулайликларга эга бўлган 25 та уй-жой қуриладиган бўлибди. Бу ҳақда эълон қилиниши билан талабгорлар шу қадар қўпайибдики, ноилж танлов ўтказилибди. Дардоқ қишлоғида 21



мигдан зиёд аҳоли яшайди. Қишлоқ худудида 9 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Ҳар бир маҳалланинг ўзига мос ва хос кўриниши бор. Қишлоқнинг қайси бир томонига йўл олманг, қурилиш ва бунёдкорликни кўрасиз. — Яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар қишлоқларда келажакда ишончли мустаҳкамламоқда, — дейди Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нейматхон Комолов. — Одамларнинг дунёкараши турмушимиз сингари ўзгар-

Жўраева, Муқаддасхон Назирова, Зухраҳон Қўзиёва каби опа-сингилларимиз чеварлик ва касаначилик йўналишида фаолиятларини бошлаб, уларнинг ҳар бири 5 тадан 10 тагача янги ишчи ўринларини ташкил этди. Қишлоқнинг шарқий томонидан рқиб ўтувчи Қорадарёда йирик тошлар жуда кўп. Уларни майдалаб, қурилишбоп ҳолатга келтириш мақсадида бир гуруҳи тadbirkorлар ишга киришди. Ихчамгина тош саралаш корхонасининг бунёд бўлиши билан айтиб берилган асфальт тайёрлаш цехи ҳам фаолият бошлади. "Оқ сув" фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар "Ўзбекистон миллий хаво йўллари" авиакомпани-яси самолётларида йўловчиларга манзур бўлмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

Қашиқарё Вилояти

Истиқлол йилларида галлачилик тармоғида ниҳоятда катта ютуқлар қўлга киритилди. Мамлакатимиз дон мустақиллигига эришди. Донни қайта ишлаш тизимида кенг истиқболлар эшиги очилди.

МУВАФФАҚИЯТ ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА УНДАЙДИ

Утган йил ҳам ана шу ўзгаришларнинг, муваффақиятларнинг узвий давоми бўлди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган корхоналарни модернизациялаш, янги технологиялар билан таъминлаш вазифалари бизнинг корхонамиз — "Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш" масъулияти чекланган жамиятида ҳам ўзининг ижобий натижаларини берди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида амалга оширилган модернизациялаш жараёни ютуқларимиз омили бўлди. Жумладан, омихта ҳам ишлаб чиқариш цехи ишга тушди. Цех учун хориждан келтирилиб ўрнатилган замонавий технологиялар билан ўтган даврда 8 минг тоннага яқин омихта ем ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардикки, цех фаолият бошлаши билан 15 та янги иш ўрни яратилди.

Корхонамиз ўтган йилда "Ўздонмаҳсулот" уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Фузор элеватор тегиригини сотиб олди. 18 минг тонна ситимли, бир кеча-кундузда 130 тонна донни қайта ишлаш имкониятига эга ушбу тегиригимиз ишимизнинг барқарорлигини ҳамда 80 нафар кишини иш билан таъминлаш имконини берди.

Жамоамиз ўтган йилги ютуқларни янги йилда янада бойитишни мақсад қилган. Уйлаймизки, Баркамол авлод йили ҳам муваффақиятларга бой бўлади. Бунинг учун пухта режалар, лойиҳалар тузганмиз. Жумладан, Муборак ва Фузор туманларида ҳар бири 10 минг тонна донни сақлайдиган ёпиқ айвон барпо этилади. Қосондаги корхонамизда тайёр маҳсулотлар оғирлиги, назорат пункти, Фузорда "Иссиқ дон" савдо дўкони қуриб ишга туширишмоқчимиз. Бу ишлар амалга оширилса, яна янгидан иш ўринлари яратилади. Барча мақсадларимиз юрт равнақи, эл фаровонлигига хизмат қилади.

Келдиёр ХҲҲАЕВ, "Косон дон маҳсулотлари қабул қилиш" масъулияти чекланган жамияти раиси.

Qishloq hayoti
Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодекадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўззағросуғурта", "Ўзвиносанот-холдинг", "Ўзбекенгилсанот", "Ўзқишлоқхўжаликмаъшизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озик-овқат саноти", Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, "Ўззағросуғурта", "Ўзғўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касба уюшмаси Марказий қонгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Наманган Вилояти

ТўРАҚҮРҒОНЛИК МИРИШКОРЛАР

Улар қиш кунларидан ҳам унумли фойдаланишмоқда

Мустақиллик йилларида Тўрақўрғон туманида нафақат пахта, галла ёки пиллачиликда, балки томорқачиликда ҳам ўзига хос мактаб яратилди, десак асло хато бўлмайди. Қиш фаслини ўзларига иш фасли деб билган тўрақўрғонликлар ҳузурида бўлганимизда далалар четидати тут дарахлари ярим белгигача оқланиб, пахолдан белбоғ боғланганига кўзимиз тушди.

— Қишнинг совуқ чилласидан қочган зараркунанда ҳашаротлар ана шу белбоғларда жон сақлайди, — дея бу ҳақда изоҳ берди "Намуна" муқобил машина-трактор парки раиси Абдурашид Самагов. — Уларни эрта баҳорда бир ерга тўплаб, ёки ташлаймиз. Шундай қилмасак, пиллачиликда юқори кўрсаткичларга эришиш қийин. Худудимизда 20 та пахта ва галлачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари фаолият олиб боради. 2010 йилда қарийб 800 гектар майдонда пахта, 570 гектар

да. Айниқса, "Қумидон ўрикзори", "Найманча наҳори", "Биллур тола" каби фермер хўжаликларида бу борадаги тадбирлар намунали ташкил этилган.

"Наврўз" муқобил машина-трактор парки худудидидаги "Улуғбеклар" фермер хўжалиги аъзоларини дала четидидаги ариқларни чиқиб, тозалашга чоғида учратдик.

— Жами 55 гектар экин майдонимиз бор, — дейди фермер Улуғбек Қодиров. — Шундан 22 гектар майдонга бугдойнинг "Бобур" нави-



майдонда галла етиштириш режалаштирилган. Айни кунларда кузгикиши арготехник тадбирлар, яъни, ер текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш, бўғди далалари четларига четан тортиш ишлари амалга оширилмоқ-

да. Гектарига 240 килограммдан сара уруғ сепилгани боис, ердан бир текис бугдой ниҳоллари унинг чиқди. Уларнинг ҳар гектари шу кунгача 800 килограммдан фосфорли ва аммофос минерал ўғитлари билан озклинантирилиб, икки маро-

Самарқанд Вилояти

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларга барча шароитларни яратишга қаратилаётган эътиборни таълим тизимиде янада ёқинроқ кўриш мумкин.

Янги мактаб фойдаланишга топширилди

Жумладан, қишлоқ жойларда ҳар жиҳатдан кўрак, қулайликларга эга бўлган замонавий илм масканлари қад ростламоқда. Яқинда, Иштихон туманининг Шайх Ислам қишлоғида ҳам янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

560 ўринли, 2 қаватли, 18 та фан кабинети, спорт залига эга ушбу мактаб замонавий асбоб-ускуналар, ўқув жиҳозлари, компьютер, лингафон каби техник воситалар билан таъминланган. Шунингдек, мактабда эътибор қилинган, 37-умумтаълим мактаби деб юритилган ушбу даргоҳдан шу пайтга қадар етук олимлар, республика ва вилоят халқ хўжалигининг турли тармоқларида бугунги кунда самарали меҳнат қилаётган иқтидорли кадрлар етишиб чиққан.

— Фарзандларимиз ҳар бир фанни чуқур ўзлаштиришлари, дарсдан ташқари машғулотларда билимларини мустаҳкамлашлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилди, — дейди ушбу мактаб директори Маҳфуза Муродова. Билим масканининг очилиш тадбирида сўзга чиққан ота-оналар, ўқитувчилар, ушбу мактабнинг собиқ ўқувчилари мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор ва қишлоқ кишилари ҳаётидидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида тўққиланиб гапирдилар.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ

(Боши 1-саҳифада)
Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2009 йилда 56,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 59 фоиздан ошди. Ҳар ким ҳаётининг, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани Конституция-мизда мустаҳкамланган. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида давлат пенсияларининг ягона тизими, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби белгиланган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу механизм самарадорлигини ошириши кўзда тутилди. Маазкур ҳужжатда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тўғрисида янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни қучайтиришга ҳизмат қиладиган қатор янгиликларни жорий этиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг маазкур фармонига кўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўлов-

ларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўлалигини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ташкил этиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлиmlарини томонидан амалга оширилади.

Айни пайтда ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча вазифалар юклаган. Янги тизимга фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдори қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлайди. Меҳнат майлибголи ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларга доир муносабатларни амалга оширади.

Пенсия таъминоти тизимига киритилган бундай янгилик фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш самарадорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш имконини беради. Зотан, фуқароларга пенсия тайинлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, маважуд ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириши даврининг ўзи тақозо қилолмоқда. Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва одамлар ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ушбу масалада белгиланган қонун-қоидаларга катъий амал қилинишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибиде бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан

назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlариде тегишли бўлиmlар ташкил қилинади. Улар томонидан янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрисидаги, шу жумладан фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажамлида бирламли ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлигини текшириш йўли билан ёлпасига текширувлар амалга оширилади. Ишловчи пенсионерларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, қорқонлар, ташкилотлар, муассасалар томонидан пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўлалиши тўғрисидаги режа асосида текширади. Бу эса ўз навбатида фуқароларга пенсия ва нафақалар ўз вақтида ва тўлиқ тўлалишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қондабузарликларга қарши тегишли чораларни кўриш имконини беради.

Нуронийларга, ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшаётган ёлғиз кексалар ва ногиронларга зарур қўлмак ва маънавий маддад бериш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Эл-юртимизга хизмат сиғинган, катта ҳаётий ўғитларни билан ибрат бўлиб қалаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар соғлом ва мазмунли умр кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш йўлидаги изчил савй-харажатлар бунинг ёрқин далилидир. Президентимизнинг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
Уза шарҳловчиси.

ДАРДОҚ ОДАМЛАРИ ВА ОДИМЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)
Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоғи шу қадар замонавийлашиб бораётгани, қишлоқнинг ҳар бир кўчасида минимаркетлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари бор, яқинда ҳам қишлоқларда аёллар сартарошхонаси ҳақида сўз борса, қимдири кулгига қолар эди. Ҳозир қишлоқда айни шу йўналишда 2 та сартарошхона аёллар хизматиде. Яқундан йилнинг ўзиде хизмат кўрсатиш тармоқлари сони 10 дан зиёдга кўпайди.

Шу қишлоқлик Холдорали Йўлдошев энг моҳир механизатор бўлган. Фермерлик ҳаракати бошланганида танловда катнашиб, ер эгасига айланди. У раҳбарлигидаги хўжаликда пахта ва галла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Такрорий экин сифатида картошка экиб, ҳамқишлоқларини уруқли билан таъминлапти.

Утган йили фермерлар гўзанинг истиқболли "Андихон-36" намини парвартиш қилишди. Ҳосилдорлик ўртача 33,6 центнерга етди. Худ-

ди шундай натижа галлачиликда ҳам бор. Демакки, фермерлар қишлоқнинг овод бўлишига муносиб улуш қўшаётдилар.

Дардоқ қишлоғи одамлари билан бугунги ўзгаришлар ҳақида сўзлашсангиз, ахиллик, ҳамжиҳатчилик, ўзаро биродарлик ришталари жамланиб, юртга бўлган фидоийлик ҳаёлингизни қамраб олади. "Намунали хонадон", "Намунали кўча", "Намунали маҳалла" танловларининг доимий ўтказиб бориладиган пировад натижада Дардоқ қишлоғини гўзал бир қиёфга кийришига туртки берди.

Дардоқликлар ўқишга, ўрганишга ҳаммиша иштиёқ билан ёндашдилар. Олий маълумотлилар сони мингдан зиёд бўлиб, улар орасида фан докторлари, фан номзодлари кўпчилигини ташкил этади. Юзлаб йўғит-қизлар республикамиздаги олий ўқув юрталарида тахсил олишга япти. Кузда қишлоқ марказида 650 ўринли саннат ва транспорт йўналишидаги коллеж дастлабки ўқувчиларни ўз бағрига қорлади.

Қишлоқ ҳудудида 5 та кутубхона ишлаб турибди. Баъзи-баъзида эшитамизки, одамларда китоб ўқишга иштиёқ қолмапти. Дардоқда эса ўқишга бўлган интилиш қуддиги боис, аҳолининг талаби билан кутубхоналар фаолияти қайтадан тикланибди. Қишлоқда 12 та мактаб, 1 та лицей, 5 та болалар муассасаси, 5 та врачлик пункти ва шифохона мавжуд. Болалар ижодиёти марказининг ташкил этилиши эса ёшларга эътиборнинг қучайиб бораётганидан далелат.

Қишлоқда республика-болалар спортини ривожлантириш фонди кўмағида иш бошлаган болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан ота-оналарнинг умидлари катта. Социал-Сидиков ва Қажрамон Сотволдиев каби устозларнинг дастлабки шогирдлари вилоят ҳамда республика мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритди. 5 нафар ёш боксчи вилоят чемпиони бўлди. Белбоғли кураш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида Илҳомжон Машраббоев

Тошкент Вилояти

"Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Бекобод шаҳрининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий архитектура нуқтаси назаридан режалаштирилган янги маиший, савдо ва спорт иншоотларининг бунёд этилишига ҳомийлик қилди.

"ЎЗМЕТКОМБИНАТ" МУНОСИБ ҲОМИЙ

Айниқса, шаҳардаги деҳқон бозори мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилгач, бу ерда қатор қулайликлар яратилди.

— Айни пайтда бозор ичиде 200 дан зиёд ўринга мўлжалланган янги савдо расталари, 94 та турғун савдо шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатаяпти, — дейди "Бекобод деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти раиси Рустам Ярамов. — Нақд пул тушумини барқарорлаштириш мақсадида шаҳардаги банкларнинг бозоримиздаги ўз филиаллари ташкил этилди. Бу филиаллар бевосита аҳолининг электр энергияси, газ ва бошқа коммунал тўловларни ҳисоб-китоб қилишлари ҳам имкон яратди. Бундан ташқари, худуддаги йўл ва йўлақлар асфальтланиб, канализация ҳамда сув тармоқлари янгиланди.

Дарҳақиқат, "Бекобод буюм бозори" масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатидиган маскан собиқ темир-бетон заводининг ташданлик жойида янгидан барпо этилди. Ҳомийлар ёрдамида худудда 1 мил-

лиард сўмликдан ортик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

— Бозорнинг ойлик савдо тушуми ҳозирги кунда 30 миллион сўмдан ошяпти, — дейди жамият раиси Абдувоҳид Гулмуродов. — Янги савдо расталарида барча шароитлар мавжуд. Гўшт ва бошқа озиқ-овқат павильонларида хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилган. Аҳамиятли ва манфаатли томони, аҳолига пластик қарточкалар билан савдо хизмати кўрсатувчи терминаллар сони кўпайтирилди.

— Касбим ўқитувчи, — дейди Муборак Ҳамидова. — Эндиликда ҳамма учун қулай ҳамён — сўм пластик қарточкаларидан фойдаланишда бозорларда ҳам муаммолар йўқ, турғун савдо шохобчаларининг аксариятида терминаллар мавжуд бўлганини боис ҳар бир харидор ўзи истеган маҳсулотни пластик қарточка қарали харид қилиш имкониятига эга.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Нафақат Мўйноқ тумани, балки мамлакатимизнинг энг шимолли, чекка ҳудудида жойлашган Қозоқдарё овули аҳолиси учун ҳам Баркамол авлод йили қутлуг келди.

ҚОЗОҚДАРЕЛИКЛАРИНИНГ ҚўШ ҚУВОНЧИ

Орол денгизи соҳилида жойлашган 450 та хонадон, касалхона ва мактаблар, ўнлаб қорхона, муассаса ҳамда ташкилотларда янги йилнинг дастлабки кунларидан табиий газ порлаб ёна бошлади. Бу қулайлик Чимбой туманидаги Шохомон овулидан 25 километрик ўрта босимли газ трассаси тортилгани самараси бўлди. Халқ фаровонлиги йўлидаги бу хайрли ишни Урганч махсус газкурилиш қорхонаси жамоаси қўсқа мударта сифатли қилиб амалга оширди.

— Бу жараёнда анча табиий қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди, — дейди участка мастери Шермуҳаммад Худойбергенов. — 10 кишидан иборат жамоамиз замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиб, катта ҳажмдаги ишларни ўз вақтида, сифатли қилиб ботиғида етказди. Қозоқдарёликларнинг янги йил байрамидеги қўшалқ қувончларига шерик бўлганимиздан мамнунмиз.


Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

YETTI-YOLIMDAN BIR SHINGIL!

ЯМАНДА ЭЛЧИХОНАЛАР Сони КАМАЙДИ

2010 йилнинг 4 январидан бошлаб АҚШ бўйлаб фаолият юритувчи барча авиакомпаниялар учун белгиланган қатъий тартиб қўлга киради. Унга кўра, авиайўловчиларни самолётга ўтказишдан олдинги текширув тартиб-қоидалари янада такомиллаштирилди.

АҚШ транспорт хавфсизлиги қўмитаси томонидан мамлакатдаги барча аэропортлар маъмуриятига дунёда террорчилик харақатини молиялаштиришга дахлдорлиги тасдиқланган ёки гумон қилинган мамлакатлар фуқаролари учун алоҳида, жуда жиддий ва қатъий назорат қўриги ташкил этилиши шарт, деган мазмундаги ёзма топшириқ жўнатилди. Янги тартибга кўра, террористик қўлларга алоқадор деб ҳисобланган Куба, Эрон, Судан, Сурия, Ҳабешистон, Яман ҳамда Ўзбекистон фуқаролари ва уларга тегишли бўлган юклар самолётга жойлаштиришдан олдин бирма-бир назоратдан ўтказилади. Бундай қатъий чора қўрилатгани бежиз эмас. 2009 йилнинг 24 декабрь кўни 23 ёшли Ҳабешистон фуқароси Амстердам-Детройт йўналишида харақатланувчи самолёт бортига портловчи моддаларни олиб ўтишга "муваффақ" бўлган ва парвоз пайтида ўқоқни портлатишга уринган эди. Яшяямия, йўловчилар ва экипажнинг ҳаётлиги боис террористик хуруж амалга ошмай қолди. Тергов-суриштирув жараёнида Ҳабешистонлик йўловчи "Ал-Қоида"нинг Ямандаги тармоғи аъзоси экани маълум бўлди. АҚШ президенти Барак Обама ушбу воқеа юзасидан фикр билдирар экан, террористик хуружларга йўл қўймайлик учун аэропортларда назорат чора-тадбирларини имкони борича қучайтириш ва мукамаллаштириш лозимлигини таъкидлади. Бундан ташқари, кейинги вақтларда "Ал-Қоида" томонидан Арабистон ярим оролида гарбчиликка нисбатан қирғинбарот эълон қилиниши ҳақида тарқатилган ташдидли мурожаатлар тўғрисида Ямандаги АҚШ элчихонаси фаолияти ҳам тўхтатиб қўйилди. Шунингдек, Испания ва Буюк Британия элчихоналари ҳам америкалик ҳаммабларни йўлдан Сориб, ўз ҳодимларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фаолиятини номаълум мудартага тўхтатди.



ХИТОЙЛИКЛАР ҚОРДАН БЕЗОР БўЛИШДИ

3 январь кўни Хитой шимолда ёққан қалин қор мамлакат пойтахти Пекин шаҳрида транспорт ва коммуникация тармоқлари фаолиятида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Дам олиш кўни бўлишига қарамастан яқинда тонгдан қарийб 300 миң қор сулурувчи Пекин кўчаларини қор юмларидан тозалашга киришди. Шунингдек, 7 миң нафар полиция хизматчиси ва 5 миңга кўнгилилар транспорт воситалари харақатини тартибга келтиришга сафарбар этилди. Лекин бу чораларга қарамай, ҳафтанин биринчи иш кўнида Пекин кўчаларида транспорт харақати изга тушмади. Пойтахт аэропортларида белгиланган авиарейсларнинг қарийб 90 фоизи бекор қилинди, автомобиль магистрал йўллари ёпилди, темир йўллар хизмати эса қўсман фаолият кўрсатишга ўтди. Устига-устак, кенчадан бошлаб қалин қор остида қолган бу худудда об-ҳаво харақати кескин пасайиб, қарийб -18 градусяга тушиб кетди. Бундай совуқ об-ҳаво Хитой шимолда кейинги эллик йил мобайнида биринчи марта юз берди. Каттик совуқ тўғрисида Пекин ва Тяньцзиньдаги таълим муассасаларида машғулотлар ҳам тўхтатилди, қарийб 2,2 миллион ўқувчи ва талабалар учун навбатдан ташқари таътил эълон қилинди. Худудда совуқ об-ҳаво ҳафта охиригача сақланиб қолиши кутилмоқда.

САККИЗОЁҚЛАР ЁППАСИГА НОБУД БўЛДИ

Португалиянинг Вилла-Нова-де-Гайя шаҳридаги катта пляж бир кеча-кундузда саккизоёқларнинг ўлиғига тўлиб кетди.

Деврли 8 километр узунликдаги пляж худуди бўйлаб миңлаб денгиз жониворлари туши ёйилиб ётибди. Жониворларнинг нима сабабдан ёппасига қуришиб кетгани ҳали маълум эмас. Шаҳар маъмурулари аҳолидан ўлиб ётган саккизоёқларга яқинлашмаслик, уларнинг гўштини истеъмол қилмаслик, шунингдек, уй жониворларини улардан узорқор сақлаш ҳақида огоҳлантириш эълон қилди. Махсус хизматлар пляж худудини нобуд бўлган жониворлардан тозалашга киришди. Мутахассислар эса бу ҳодисанин сабабларини аниқлашга киришдилар.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Фаргона Вилояти

Мелиораторларнинг тигиз кунлари

ЕРНИНГ ШҲРИНИ ЮВИШ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОМИЛИ

Дехқонлар айни кунларда заминни зарарли тузлардан тозалаш, куч-қувватини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, шўрланган майдонларда бу тадбирларни кечиктирмай, сифатли адо этиш, ҳосил заминини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир. Шу боисдан ҳам вилоят ирригатор ва мелиораторлари, мироб ва сувчилари, қудратли экскаваторлар бошқарувчилари учун ҳозир энг тигиз, долзарб дамлардир. Чунки олинди 54,2 минг гектар майдоннинг шўрини ювишдек зарур вазифа турибди.

— Асосий экин майдонлари Сирдарё этакларида жойлашган Фурқат туманида бу борадаги аҳоли кишини ташвишлантиради, — дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси бошлигининг ўринбосари Анваржон Ғаниев. — Жами экин майдонининг 15900 гектардан зиёди шўрланган бўлиб, шундан 2 минг гектарга яқинида 2-3 мартагача шўр ювилмаса ёз бошларидаёқ шўр ер устини қоплайди. Бахор, ёз серёгин келган йилларда асосий майдонларда дехқончилик қилиш анча мураккаблашади.

Вилоятда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан аниқ ҳисоб-китобларга асосланган тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга кўра 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастурида 474 та лойиҳа бўйича жами 63,5 миллиард сўмлик мелиоратив тадбирларни амалга ошириш кўзда тутиляпти.

Бу борада 2009 йил мелиораторлар учун жуда унумли ва баракали келди. Янунланган йилда 34 та лойиҳа бўйича 5 миллиард



847,5 миллион сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Янгидан қуриш ва қайта қуриш бўйича эса 13 та лойиҳада кўзда тутилган 6 миллиард сўмдан зиёд тадбирлар амалга оширилди. Йил давомида режадаги 1221 ўрнига 1302 километр зовур тармоқлари тозаланиб, зах қочириб қудуқлари таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, ёпиқ-ётиқ зовурлар, назорат қудуқлари, қувурли ўтиш жойлари, сув ўлчаш иншоотларини таъмирлаш режалари ҳам ўз мuddатларида адо этилди. Амалга оширилган ишлар туфайли вилоятдаги 431 та фермер хўжалиқлари

ихтиёридаги 38218 гектар майдонда ер ости сизот сувларини камайтириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ҳосилдорликни 5-8 центнергача оширишга эришилди.

Экинзорлари шўр бошидан азият чекаётган Данғара туманининг Сирдарёга туташ хўжалиқларига ҳам мелиораторлар ёрдам қўлини чўздилар. Янгидан ишга туширилган 2 километрик коллектар тармоқлари 14 та фермер

дала меҳнаткашлари қувонч билан тилга оляптилар. Бундан ташқари, янгидан 30 та тик қудуқлар қазилиб, фойдаланишга топширилди. Натijasи ҳам тезда кўзга ташланди — 1800 гектар ерда зах сувлар микдори камайиб, мелиоратив ҳолати талаб даражасига келтирилди. Шунингдек, Бешариқ туманидаги "Дустлик" мелиоратив насос станциясини қайта қуриш ҳам 770 гектардан ортиқ ерда ана шундай имкониятни юзага келтирди.

хўжалиқларига экин майдони мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради. Қува, Охунбобоев, Риштон туманлари ҳудудидаги 36 километр ёпиқ-ётиқ зовурларнинг таъмирлини туфайли 900 гектар ернинг мелиоратив ҳолати талаб даражасига етказилди.

Янгидан зах қочириб қудуқлари қуришга катта эътибор қаратилаётгани дехқонларнинг айни дилидаги иш бўлди. Бултур вилоятда бундай қудуқлар сони 12 тага кўпайганди. Улар ҳисобига 720 гектар майдонда сизот сувлар сатҳи сезиларли камайтирилганлигини

Учкўприк, Риштон ва Бағдод каби шўрланган майдонлар салмоғи камаймаётган туманларда янги мелиоратив насос станцияларининг ишга туширилиши эса ер ости сизот қатламини пасайтириш билан бирга оқин сув тақчиллиги сезилган пайтларда 350-400 гектардаги экинларни обихаёт билан етарли таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, Фурқат туманининг "Қолғандарё", Данғара туманининг "Сирдарё" ва "Шуроқул" насос станцияларини қайта тиклаш, реконструкция қилиш ишлари якунланмоқда. Бу гидроиншо-

отлар дарё этакларида пахта ва бошқа экинлар экиб келаятган 20 га яқин фермер хўжалиқларига шўр балосидан қутулишда катта кўмак беради. Улар ёрдамида минг гектардан кўпроқ майдонда сизот сувлар кўтарилишининг олди олинади.


Ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда ирригация-мелиорация иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш, қуриш ва қайта қуриш ишлари якуни 46684 гектар экин майдонда зах-сизот сувларини ернинг юза қисмидан қочириб ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунинг эвазига ҳосилдорликни оширишга ёрдам берди.

Шунингдек, мелиораторлар йилнинг охири ойларида 2009 йилда таъмирлаш-тиклаш ишлари йўналишида тежаб қолинган маблағ ҳисобига Охунбобоев туманида янги йил манзилли дастурига киритилган 2 та объектда жадал иш бошлаб юбордилар. "Файзиобод" ва "Уртақизилтепа" зовур тармоқларини тизимли тозалаш ишларида 15 та экскаватор, 5 та бульдозер ва бошқа техника воситаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Ризқ-рўзимиз унаётган тупроқдаги ҳар бир ўзгаришни синчилаб кузатиб, шунга мувофиқ зарур чораларни кўраётган ер шифокорлари — мелиораторлар айни кунларда ҳам масъулиятли ишлар тепасида турибдилар. Кўзда тутилган ерларни шўр ювишга тайёрлаш топширигининг ярмидан кўпроги бажарилди. Бу ишларда 120 га яқин техника қўллари унумли ишлатилмоқда. Ҳар кун 2,5-3 минг гектар ерда пол олинляпти. 200 дан зиёд фермер хўжалиқларида бу иш ниҳоясига етказилди, поллар чилла сувига ўтказилляпти. Мутахассислардан иборат гуруҳлар шўри ювиладиган ерлар албатта шудгорланиб, текисланган ва тегишли баландиликда пол олинган бўлишини, уларга ер шариотига қараб сув очилишини назорат қилиб бора-яптилар.

Кафтдек текис, поли олинган майдонлар узра дехқонлар тилга қўйлаб келган сувни тараётган юзлаб миришкорлар янги йил мўл ҳосилига ишончли замин яратаётган шу куннинг фидойиларидир.

Музаффар МАМАТКУЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



НОТАРИУСНИ УЙГА ЧАҚИРИШ МУМКИН

Онам ботоблиги туфайли уйимнинг олди-сотди шартномасини нотариал идорага бориб имзолаш имконияти йўқ. Бу масалани қандай ҳал қилса бўлади?

Н.АДАШБОВ

Замин тумани

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига асосан фуқаро касалиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда, шу ҳудудда жойлашган нотариус томонидан амалга оширилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларига асосан "Нотариал идора"лар биносидан ташқарида бажариладиган нотариал ишлар учун давлат божи икки баравар микдорда ундирилади, шунингдек, ушбу ишларни бажариш учун жойга бориш билан боғлиқ амалда сарфланган харажатлар тўланади.

Демак, сиз нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун нотариусни уйингизга тақдир этишингиз мумкин.

БИР ТАРАФНИНГ АРИЗАСИ ҲАМ ҚАНОАТЛАНТИРИЛАДИ, АММО...

Қандай ҳолларда эр ёки хотиндан бирининг аризаси асосида никоҳни бекор қилиш мумкин?

Х.ДАВЛАТОВА

Пахтачи тумани

Оила Кодексининг 43-ва 219-моддаларига мувофиқ:

- суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомаллага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари бор-йўқлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра ФХД органлари томонидан никоҳ бекор қилинади.

Бундай ҳолларда аризага қўшимча равишда қуйидагилар илова қилинади:

- эр (хотин)нинг муомаллага лаёқатсиз ёхуд бедарек йўқолган деб топилганлиги тўғрисида қонуний қўчга кирган суд қарори;
- эр (хотин)нинг уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги тўғрисида қонуний қўчга кирган суд ҳукмидан кўчирма, шунингдек, судланган эр (хотин)нинг никоҳдан ажратишга ўртада болалари ва мол-мулки юзасидан низо си йўқлиги ҳақидаги розилиги;
- болалари тўғрисида, биргаликдаги умумий мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга мутож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)нинг таъминоти учун маблағ тўлаш ҳақида низо мажҳуд бўлса, никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Саволларга хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Ҳусан ҚАЗАКБАЕВ ва Мигриёс АБЗАЛЛОВ жавоб берди.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан "O'ZBEKISTON DIZAYN JAMG'ARLARI" РИЗНБ № 08.01.2009 йдан 08.10.2010 йилгача мuddат учун хўраий ишчи кучини жалб қилишга берилган № 4445-рақамли руқсоннома (лицензия) йўқолишини сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Мўрқоб т. жамияти томонидан 28.03.2006 йили яваз тартибдаги тадбиркор Мегриёс Мамбур Тошкент қонун беришган № 0301320 рақамли руқсоннома (лицензия) йўқолишини сабабли бекор қилинади.

"RANOBEGIMSERMS" ММҚКга берилган дмакож мур йўқолишини сабабли бекор қилинади.

Утравий лицензия, выданный 2006 г. на ООО "PETROILUM GLOBAL OIL" Чрезвычайного р-на Ташкентской обл., осплеть действительным.

ООО "DIALOG AZIA" (ИНН 204817714), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Комитета М.Улугбекского р-на г.Ташкента, реестр № 000231-04 от 29.01.2004 г., ликвидировано (на основании протокола учредителей № 5 от 29 декабря 2009 г.). Претензия принимается в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: М.Улугбекский р-н Каравуз-3. Тел.: 266-31-08, 266-31-07.

ЧФ "SADOLM PLUS STORA" (ИНН 301332923), зарегистрированное 30 сентября 2009 г. М.Улугбекского р-на г.Ташкента, ликвидировано. Претензия принимается в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: (+99894) 654-74-67.

Утравий лицензия на трудовую деятельность, выданную Агентством трудовой Миграции при Министерстве труда и социальной защиты населения за № 033586 на имя гражданина США Форд Жеймс Роберт "O'ZBEKISTON DIZAYN JAMG'ARLARI" РИЗНБ, осплеть действительным.

Жиззах Вилояти

ҚҲЙ ОРТИДАН ЯЙЛОВ КЕЗИБ

Илс Аликүлов — Фориш туманидаги юзлаб чўпонларни ичида энг ёшларидан бири. Абдурашид Қурбонов бошлиқ бўлган отарда қўй боқади. Нурак, Чоштепа ва Мардибой яйловларини бўйига неча қадам, энга неча қадамликни ёд айта олади.

Хар сахар "от" деса — отмас, "хачир" деса — хачирмас, буйи баланд, оёқлари устундай эшагига гулдор хуржунини ортадида, эгарига радиони маҳкам боғлаб, овозини "ванг" кўйганича қўйларни яйловга ҳайдайди.

Учта ёрдамчиси бор. Биринчиси — чўқисоқол, бурмашох серкиси. Отарнинг олдига тушиб олади-да, буйинидаги кўнгиригини жаранглатганича йўл бошлайди. Йўл-йўлакай у ер-бу ерда қовжираб турган шўқинини, тўякоринингми тағидига хас ва емишбоп ўт қолдиқларини титқилаб ейди-да, ортига қараб қисқа-қисқа маърайди ва икки ёнига назар солгач, йўлида давом этади.

— Бу, унинг "Олга юринлар, лекин менинг ортимдан" дегани, — дейди мийғида кулиб Илсжон. — Қўйлар уни яши тушунади — ҳеч бири олдига ўтмайди. Икки ёндан эса "олапар" билан "тўрткўз" қўйларнинг тўдадан ажралишига йўл қўймайди. Қизиги шундаки, улар ҳеч қачон ўз ўринларини адаштирамайди. "Олапар" ўнгини, "Тўрткўз" чапни кўриқлаб боради. Менинг ўрним анча ноёп. Қўй-қўйларнинг чапни, ёз ойларида отарга етиша олмаётган ортада қоладиган баъзи нимжон жониворларнинг ташвиши. Лекин барибир меҳнатимдан хурсандман.

Ўртбошимиз жорий йилини «Баркамол авлод йили» деб эълон қилганларини Чоштепада тушлик қилиб ўтириб, радиодан эшитдим. "Бу — менинг йилим" дедим баралла! Ахир, мен ўн саккизга тўламан. Бу йил қўйлар кўп бўлади, тўйлар кўп бўлади. Қўйларимиз ҳозир ҳам оз эмас. Бурноғи йили ака-ука Абдурашид ва

Абдували Қурбоновлар бошлиқ отарда 600 бош қоракўл қўй бор эди. Бултурги қўзилатиш якунидан сўнг 1200 бош бўлди. Уларни 600 бошдан икки отарга бўлиб, ҳозир акам Илш Аликүлов, амакиларим — Дилшод Оллонов ва Озод Қурбоновлар билан бирга боқяпмиз. Бир отардан икки йил ичида яна бир отар яратдик, давлатга 300 та қоракўл тери сотдик.

— Зур! — дейман Илсжоннинг кулиб, ёниб турган кўзларига боқиб. — Қани энди, бошқа отарларнинг чўпонлари ҳам сендай қуюн-

Лавза

чак, бунёдкор бўлишса.

— Бошқа чўпонлар ҳам жуда фидойи, — дейди у. — Акс ҳолда биргина бизнинг мана шу "Боғдон" ширкат хўжалигимизда бурноғи йилги 32 отар бу йил 43 та бўлармиди?

— Ширкат бўйича нечта қўй борлигини биласми? — Йўғ-а! — дейди ёш сўхбатдошим. — Хув "Жигули" да ширкатимиз раиси Ботир Каримов келяпти. Шу кишидан сўрайсиз.

Бироқ "Жигули" биздан анча нарида ёйилдиб юрган 20-30 бош қўзили қўйлар томон бурилди ва уларга яқин боргач, тўхтаб, икки киши тушди. Улар секин-секин оёқлари учинда юриб боришди-да, чапдастик билан қўйлардан бирини тугиб олишди.

— Энди ярим соат текширади, — деди Илсжон. — Ботир аканинг одати шу. Семизми-орикми, жунни тўқилмаяптими, қулоғи, тўғи соғми, қанаси йўқми... Эх-хе, тишгача текширади, ҳатто соғиб ҳам кўради. Сўнг хашақларимиз-

ни кўздан кечиради. Яхши ҳамки, бир бу йилга эмас, келаси йилга ҳам ортадиган дағал хашак, беда пичани, арпа тайёрлаб қўйганмиз. Шу кунларда 32 бош вақтли қўзиланган қўйларга кунига икки маҳалдан, бошқаларига бир маҳалдан ем беряпмиз. Қўйларни қишдан семиз, соғлом олиб чиқмасак, қўклам қўзилашда қийналади.

Бу орада нарироқдаги чўпон уйдан чиққан аёл чақириб қолди.

— Ширчойга келинглар, қосаларга қўйиб қўйдим, — деди у.

— Юринг, бораёлик, қўй сути шифобахш, айниқса, бизнинг яйловларда боқилган қўйларни, — деди Илсжон.

— Ҳали қўйларни соғишадими ҳамми? — деди ҳамроҳим, туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Асаджон Мустафоев.

— Бекорга икки маҳал арпа беряпмизми? Сут ва қатиғи шу қадар фойдаликми...

...Боғи икки киши билан қапада учрашдик. Илсжон айтгандай, улардан бири — ширкат раиси Ботир Каримов, иккинчиси — туман ветеринария маркази бош врачси Адилбек Қўзибоқаров экан.

— "Боғдон"ликлар қишлоқнинг соз ўтказишяпти, — деди бош ветеринар. — Йигирма беш минг бош қўйларининг ҳаммаси соғлом, дуркун. Ёз ойларида чўпон уйлари, қўралар, қудуқлар, хашак ташиш техникалари таъмирланиб, чўпон-чўйқлар учун яхши шароит яратилгани шарафоти бу. Туман бўйича ҳам уларнинг тажрибаларини оммалаштириб, ҳозиргача 400 минг бошдан зиёд қўйнинг бирортасини чиким қилмадик. Бу ёнига ҳам парваршиши шундай давом эттириб, қўкламга беталафот чиқиб ниятидамик.

Келдиёр ЖҲРАҚУЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти



14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

Наманган автомобиль мактабида Қуролли Қучларимиз ва халқ хўжалиги учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрланмоқда.

Мактаб "Ватанпарвар" ташкилоти тизимидаги йирик ўқув муассасаларидан биридир. Бу ерда курсантларнинг ўқиши, яшashi ва дам олиши учун барча шароит яратилган. Шунингдек, лаборатория ва амалий машғулот хоналари, ётоқхона, ошхона, ёғи ва қишги спорт майдонлари, кутубхона, тантаналар зали курсантлар ихтиёрига берилган.

СУРАТДА: «Шўхрат» медали совриндори, ўқувчи Қайомжон Қаҳҳоров курсантлар билан. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ўЗА) олган сурат.

ПИЁЗ 7 ТОННА, ОЛМА 10 ТОННА, ПОМИДОР ЭСА...

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт-импорт қилиш учун тадбиркорларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган бир пайтда айрим кимсаларнинг юртдошларимизнинг ризқини қийиб, қинийр йўллардан боришини, ноқонуний хатти-ҳаракатларини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди. Республикада божхоначилари эса бундай уринишларни ўз вақтида фож этишмоқда.

Яқинда Сирдарё вилояти божхоначилари "Зил 130" русумли юк машинасини божхона назоратидан ўтказишганда, унга тегишли хўжатларсиз салкам 3 тонна олма ва 4,5 тоннадан зиёд картошка юклаганини аниқлашди. Умумий қиймати 5 миллион сўмга яқин ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ховослик А.Нарқузиёвга тегишли экан.

"Зил" юк машинасини божхона назоратидан ўтказишган андижонлик божхоначилар 7 тонна пиёзни яширин равишда юритимизга олиб

қиришга уринган фуқаро Х.Джубоневнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Сурштирувлар натижасида, ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий қиймати 2.1 миллион сўм эканлиги аён бўлди.

Шунингдек, вилоят божхоначилари қўшни республикага туташ айланма йўлларда "изиб" юрган "КамАЗ"ни божхона назоратидан ўтказишди. Маълум бўлишича, фуқаро А.Тўйчинов қиймати 13.5 млн. сўмлик 11 тонна помидор ва 1250

кг. анорни Пахтаобод тумани орқали ноқонуний равишда юритимиздан олиб чиқишга уринган экан.

Фаргона туманидаги айланма йўлларда "КамАЗ" юк автомашинаси манзилига етиб борулмади. Чунки, фуқаро У.Якубов ушбу автомашинада тегишли хўжатларни бўлмаган, муқаддам айланма йўллар орқали қўшни давлат ҳудудидан оз-оз микдорда олиб қилинган 10 тоннадан зиёд олмани олиб кетаётган эди. 536 дона қоғоз қутиларга жойланган ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий қиймати салкам 16 млн. сўмини ташкил қилар экан.

Самарқандлик божхоначилар ҳам йирик микдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. "Тошкент-Самарқанд" йўналишида ҳаракатланаётган "Мерседес-

Бенц" юк машинасида ўтказилган текширувлар чоғида, унга оз эмас, кўп эмас нарқда 22 тоннадан зиёд турли мевалар, жумладан апельсин, ананас, олма ва ноқ юклагани маълум бўлди. Қиймати салкам 48 миллион сўмини ташкил қилувчи, аммо биронта ҳам божхона расмиёлаштирувини тасдиқловчи хўжатлари бўлмаган ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари фуқаро И.Жумаевага тегишли экан.

Рақамларга мурожаат қилсақ, божхоначилар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 3600 га яқин ҳолатларда қиймати 3.8 млрд. сўмдан зиёд, 4700 тоннага яқин турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Хусен ТАНГРИЕВ,
ДБК Матбуот хизмати инспектори.

Тошкент Вилояти

БЕФАРҚЛИК ЁНГИН САБАБЧИСИ БЎЛАДИ

Юртимизда "Ёнги хавфсизлиги ойлиги" самарали яқунланган бўлса-да, бироқ айрим кишиларнинг бу масалага жиддий эътибор билан қарамаётгани ўзларига моддий зиён етказишдан тошқори кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Янгиёул туманидаги Наврўз маҳалласида яшовчи Ҳатматжон Жонузоқов хонадонидан янги йил арафасида ёнги содир бўлди. Туман ёнги хавфсизлиги бўлими мутахассислари ва қўни-қўшниларнинг саёй-ҳаракати билан хавф бартараф этилди. Аммо ўнги асорати хонадонгаиларга анчагина моддий зарар келтирди.



жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этаётир. Шу сабабли бўлимадаги барча ишловчилар гуруҳларга бўлиниб, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида, қорхона ва ташкилотларда, муассасаларда ҳамда хонадонларда учрашувлар, суҳбатлар уюштиряпти. Бу борада, айниқса, маҳалла фаоллари билан олиб борилаётган ҳамкорлик самарали бўлмоқда. Уларнинг ёрдамида дам олиш кунлари фуқароларни тўллаб мактаб, коллеж стадионлари ва маҳалла гузарларида алоҳида машғулотлар ўтказилаётир. Тадбирларда туман электр тармоқлари, газ қорхонаси ва бошқа ташкилотларнинг ҳам фаол иштироки таътигани ёнги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш ҳамда

улар сонини камайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Шунга қарамай, айрим жузъий муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Халқобод ва Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғини сув оқиб ўтувчи канал ҳамда ариқлардан анча баландликда жойлашган. Ёнги келиб чиққудек бўлса, уни ўчириш жараёни қийинлашади. Шу боисдан бу жойларда яшовчилар ташаббус кўрсатишиб, ҳовузлар қуришса, фойдадан холи бўлмасди. Ваҳоланки, бунинг учун ўнчалик катта маблағ ҳам, ишчи кучи ҳам талаб этилмайди.

Яқунланган йилнинг аввалгисига қараганда 40 фоиз самара билан яқунланганда 34-қисм бошлғи Абдуқоҳир Мирзобобоев, Қудратжон Турсунов, Анвар Аширбоев, Равайн Ғофуров, Ерқин Давлатов, Бақир Аширбоев сингари кўплаб мутахассисларнинг хиссаси катта. Уларнинг ўз соҳаларини пухта ўзлаштиргани олдимизда турган масъулиятли вазифани удалашда асқотмоқда.

Баҳоидир МАМАДАЛИЕВ,
Янгиёул тумани ИИБ Ёнги хавфсизлиги бўлими бошлғи, майор.
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



СПОРТ

МУҲАММАД БЕГАЛИЕВ ОСИЁ РЕКОРДЧИСИ

ОГИР АТЛЕТИКА
Бирлашган Араб Амирликларида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осий чемпионати ниҳоясига етди.



Мусобақада иштирок этган Ўзбекистоннинг оғир атлетика бўйича терма жамоаси жами 18 та олтин, 11 та кумуш, 19 та бронза медалини кўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Республика Олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиси Муҳаммад Беғалиев эса 302 кг тошни кўтариб 69 кг вазн тоифасида 17-18 ёшли ўсмирлар ўртасидаги Осий рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

ДЕНИЛСОН "БУНЁДКОР"ГА КЕЛАДИМИ?

ФУТБОЛ
Бразилиянинг Globo Esporte нашри 33 ёшли форвард Денилсон Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби билан бир йиллик шартнома имзоланиши ҳақида хабар берди. Денилсон ўтган мавсумда катта муваффақиятларга эришди.

У тўп сурган Жанубий Кореянинг "Похан Стилерз" жамоаси Осий чемпионлар лигаси ғолиби бўлди. "Похан" клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Ўз жамоаси учун 4 та тўп киритган Денилсон БААда бўлиб ўтган клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати тўпуари бўлди. Денилсон фаолиятини 1996 йил Португалия иккинчи дивизиони клуби "Униао да Ламас"да бошлаган. 1999 йилдан эса БААнинг "Аш Шабоб", "Дубай клуб" ва "Ал Наср" каби жамоаларида бир неча йил ўйнаган, 2005 йил Мексиканинг "Атлас", 2006 йил Жанубий Кореянинг "Техон Ситизен" жамоаларида тўп сурди. Сўнгги икки мавсуми "Похан Стилерз" жамоаси таркибиде ўтказди. Ҳозирча "Бунёдкор" расмий веб сайти бу хабарни тасдиқлаганича йўқ, аммо инкор ҳам этмаганидан ушбу трансфернинг ҳақиқатга яқин эканини аниқлаш мумкин.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

БОКС
Қозоғистонда спорт устаси, хизмат кўрсатган мураббий Галим Жарилгапов хотирасига бағишланган XXVI халқаро бокс турнири бўлиб ўтди.



Унда ўзбекистонлик боксчилар жами бешта (1 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза) медални кўлга киритди. Жасурбек Латипов (48 кг) биринчи, Фазлиддин Ғойибназаров (60 кг), Уткирбек Назиров (64 кг) ва Уктам Раҳмонов (69 кг) иккинчи, Рафик Султонов эса (51 кг) учинчи ўринни эгаллашди. Бокс турнирида кубалик афсонавий боксчи Фелико Савон фахрли мөҳмон сифатида иштирок этди. 69 кг вазн тоифасида чемпион бўлган Серик Салиев (Қозоғистон) турнирнинг энг яхши боксчиси деб топилди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Фарғона Вилояти

САНЪАТ ҚОШОНАСИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Вилоятда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театри бизнесининг капитал таъмирлашдан сўнг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерга тўпланган зилзиллар, талаба-ёшлар, санъат иқтисодчилари ушбу йирик маданият ва санъат масканининг янги қўришиш, безатилиши, ижодкорлар ҳамда томошабинларга яратилган шароитлардан мамнун бўлдилар.

Вилоят марказидаги энг кўча — қарийб бир асрлик тарихга эга бўлган театр биноси бугунга келиб чиндан ҳам ҳар қандай замонавий санъат масканидан қолдирилмайдиган қўришишга эга бўлди. Унинг ички ва ташқи қисмида ўтказилган таъмирлаш, безатиш ва жаҳрлаш ишларида меймориликнинг миллий услубларидан кенг фойдаланилди.

Бинони таъмирлаш бўйича лойиҳани республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий мерос обидаларини сақлаш ва фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси мутахассислари тийёрлаб бердилар. Таъмирлаш-безатиш ишларини эса Қўқон шаҳридаги "Мерос" устанохонасининг "Фарғона нақши" фирмаси нақош

ва мусаввирларидан иборат ижодий гуруҳ бақарди. Таъмирлаш ишлари вилоят маҳаллий бюджетиде ҳамда вазирлик томонидан ажратилган маблағ эвазига амалга оширилди. Шу билан бирга жуда кўплаб қорхона, ташкилот ва муассасалар ўзларининг ҳимойили ёрдамлари билан ҳамиса қўшдилар. Шаҳар қурилиш дирекцияси, "Фар-

ғоназот" ОАЖ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, иссиқлик электр маркази сингари қорхона ва ташкилотлар шулар жумласидандир. — Ижодий жамоамиз ўзларининг келгуси фаолиятларини мана шу гамқўрлик ва эътиборга муносиб равишда ташкил этиш режаларини ишлаб чиқди, — дейди театр директори Сайдали Одилов. — Янги йилда 4 та янги спектаклни сахналаштириб, томошабинларга ҳавола этмоқчимиз. Шунингдек, ўтган йилларда театр репертуарида узок вақт сақланган ва халқимизга манзур

бўлган "Тошкентга саёҳат" сахна асарини қайта ишлаб, янги талқинда намойиш этиш ниятимиз бор. Ўтган йили бир неча жойда театр ҳафталиклари ташкил этилиб, Охунбобоев, Тўшқоқ, Олтиариқ, ҳатто энг олис тоғли Сўх туманлари аҳолисини ҳам ижодимиздан баҳраманд этган эдик. Бу йил вилонинг ҳамма шаҳар ва туманларига ана шундай ижодий сафарлар уюштириб, бир неча ташкилот ва қорхоналарда театр ҳафталиклари ўтказишни режалаштирганимиз. **Музаффар МАМАТКУЛОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Ҳамкасбимиз ҳақида сўз

ДЕҲҚОН ҚАЛБИНИ ҲИС ЭТГАН ЖУРНАЛИСТ

Қобилжон Аскарлов. Бу ном Андижон аҳлига жуда таниш бўлиб кетган. У қишлоқ ҳўжалигининг сир-асорини яхши билади. Шу илм фидойиларининг кадр-қимматини жойига қўйиб юради. Гарчи олийгоҳни битириб, журналист касбини эгаллаганига ўттиз саккиз йил бўлса-да, мухбирликни бошлаганига қирқ беш йилдан ошди. Шундан бери одамлар ютуғидан қувониб, ташвишдан қувониб калам тёрбатиб келмоқда.

Қобилжон Аскарловни "қишлоқ ҳўжалиги учун туғилган журналист" деб аташлари ҳам беҳиз эмас. У қишлоқ ҳўжати яхши билади, деҳқон қандай нафас олаётганини дилдан ҳис этади. Шу ҳис-туйғуларини қоғозга туширади. Бошқа ҳамкасбларидан ақрабига турадиган ҳислати: илгор тажрибаларни кўп ёзди, янгиликнинг моҳиятини аниқлаб, келажакни авадан кўра билди, фикр юритиш қобилияти бор. Шунинг учун деҳқонликдаги янгиликни эшитса, деҳқондан кўпроқ қувонади.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликда андижонликларнинг тажрибалари бошқа вилоятлар амалиётида ҳам кўп марта синовлардан ўтган. Бу ноёб тажрибалар тармоқдаги иқтисодий ислохотлар ривожига муносиб улш бўлиб қўшилган. Агар шундай самараси бор янгиликларни Қобилжон Аскарловга ўшаган журналистлар оммавий ахборот воситалари орқали кўпчилик эътиборига ҳавола этмаса, бундай хайрли иш тафсилоти ҳусусидаги ахборот "ёпиглик қозон" остида қолиб кетаверадик! Зукко муштарий фан ютуқлари ва илгор тажрибалардан хабар топиб, ақали ўзининг томорқасида бу янгиликларни жорий қилса ҳам фойда кўради-ку? Қайси бир хонадон дастурхониде мўл-кўнчиликка эришилса, демак, савобли ишга шу журналист ҳам сабабчи бўлади. Қобилжон Аскарловнинг очерк ва лавҳалари, мақола ва ахборотлари янгиликлар жарчиси вазифа-

лар илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори Равайн Сиддиқов. — Қарда янгилик бўлиб қолса, Аскарлов ўша ерда, қандай хабар топади, қандай етиб боради, хайрон қолсан киши. Уни нафақат тажрибали журналист, балки қишлоқ ҳўжалигининг етук мутахассиси деб биламан. Фермер бой бўлсин, деб яхши ният қиладиган, шу нияти иқобати йўлида унга кўмакдош бўладиган фидойи инсон. Уни ўттиз йилдан бери биламан. Қобилжон Аскарлов яхшини яхши, ёмонни ёмон дейдиган, ноҳақлик бўлса, қўйиб-пишиб кетадиган журналист. Асл журналист шунанга бўлиши керак.

— Деҳқоннинг қувончи кунда ҳам, ташвишли онларида ҳам у билан бирга Қобилжон Аскарловни кўрасиз, — дейди кекса деҳқон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими Аҳмаджон ака Ҳожиёв. — У вилондаги кўплаб тажрибали деҳқонларнинг дуоларини олишга сазовор бўлган. Қобилжон Аскарловдай қаламқашлар омон бўлсин!

Ҳа, деҳқоннинг қалби нозик. Бу қалб торларини ҳамма ҳам черта олмайдди. Донулар: "Қўздан ёш келиши учун, аввал қалб йиғлаши керак", дейди. Қобилжон ака ернинг тилини, сир-асорини биладиган деҳқоннинг пахтасидай оппоқ қалбига йўл топа олибдики, демак, у бахтли инсон. Ер билан тиллаша оладиган инсонлар дуоси эса ижобат бўлаверади.

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ

ТАШКИЛОТ СОТАДИ
Volkswagen PASSAT
2009 йил ишлаб чиқарилган
Лизингга сотиб олиш мумкин

Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан
Тел.: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

AVTODOM PLUS
ТАШКИЛОТНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AVTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЎЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

Тошкент Давлат Аграр университетининг жамоаси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори **Раҳмон РАҲАЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университетининг жамоаси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси собиқ катта ўқувчиси **Шарофиддин МАННОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдилади.

"Ўзпакхасанот" уюшмаси жамоаси "Бухоролпахтасанот" худудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси **Одил АКРАМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таззия изҳор этади.

Тошкент Давлат Аграр университетининг жамоаси "Маънавият ва маърифат бўлими" услубийчиси Феруза Ашуровага волидаи мухтарамаси **Карима аи ХУСАНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдилади.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҮРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳоидир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРҲУҲАЕВ.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Айтаг АДИЛОВ, Фоғир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманазим ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир уринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шераод ҒУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-35-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДАРДАГИ МУХБИРЛАР: Коржақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-51-16; Наманган — 224-99-08; Наманган — 224-61-69; Фарғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 585-06-89; Тошкент — 100-29-61; Қорғаз — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.	Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмани жавобгар мақола	МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй E-mail: info@qishloqhayoti.uz	Навбатчи: А.НУРУЛЛАЕВ Мусоҳҳа: С.ҚОДИРОВ Дизайнер: М.ШУКУРОВ
--	---	---	--	---	--	--